

Етмиш йиллик ибодатдан афзал



16:41 / 23.05.2018 5877

Ваҳб ибн Масъуд айтади: «Сизлардан аввалгиларнинг ичида Аллоҳга етмиш йил ибодат қилган киши бор эди. Ҳафтада бир кун, яъни фақат шанбада оғзи очиқ бўларди. Қолган кунлари рўзадор эди. У Аллоҳдан битта ҳожатини сўради. Аммо ҳожати раво бўлмади. Шунда нафсига: «Агар сенда яхшилик бўлганида, ҳожатинг бажарилар эди, аммо олдин гуноҳ ишлар қилгансан», деди. Шу заҳоти бир фаришта тушиб: «Эй одам фарзанди, ўзингни ҳақир ҳисоблаганинг олдин қилган етмиш йиллик ибодатингдан яхшидир», деди.

Аҳмад Муҳаммад Турсун

«Сиз қандай яшамоқчисиз?» китобидан